

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ ЗУБАЙДУЛЛО ИЗОМОВИЧ

ИУТҚИЙ ТУЗИЛМАЛАР АХБОРОТ-ДИСКУРСИВ МАЗМУНИ
ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА ТЕЖАМКОРЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ
ФАОЛЛАШУВИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛИ
АСОСИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

УДК: 81`22

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора филологических наук (DSc)

Contents of the dissertation for a Doctor of Science degree (DSc)

Расулов Зубайдулло Изомович

Нутқий тузилмалар ахборот-дискурсив мазмуни шаклланиши жараёнида тежамкорлик тамойилининг фаоллашуви (инглиз ва ўзбек тиллари материали асосида)..... 3

Расулов Зубайдулло Изомович

Актуализация принципа экономии в процессе формирования информационно-дискурсивного содержания речевых образований (на материале английского и узбекского языков) 33

Rasulov Zubaydullo Izomovich

Actualization of the principle of economy in the process of formation of information and discursive content of speech structures (based on materials of English and Uzbek languages)..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 70

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ ЗУБАЙДУЛЛО ИЗОМОВИЧ

НУТҚИЙ ТУЗИЛМАЛАР АХБОРОТ-ДИСКУРСИВ МАЗМУНИ
ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА ТЕЖАМКОРЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ
ФАОЛЛАШУВИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛИ
АСОСИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуеи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.3.DSc/Fil243 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич
филология фанлари доктори, профессор

Раупова Лайло Рахимовна
филология фанлари доктори, профессор

Терезита Жулиет Элдриж (Teresita Juliet Eldredge)
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишини мумкин (199 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «09» июль кuni тарқатилди.
(2022 йил «09» июль даги № 22-27 - рақамли реестр баённомаси.)



Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Ғ.Н.Муродов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби в.б., филология фанлари доктори, профессор

М.М.Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фан доктори [DSc] диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида “дискурсив бурилиш” юзага келиб, дискурс – таҳлил объекти сифатида алоҳида танланиб, алоҳида соҳа сифатида шаклланиб улгурган ушбу йўналишидаги илмий изланишлар янги босқичга кўтарилмоқда. Дискурснинг антропоцентриклик, интенционаллик, вазиятлилик, структур-семантик яхлитлик, очиқлик, динамиклик каби хусусиятларга эга бўлиши унинг таркиб топишида иштирок этаётган лисоний ҳодисаларнинг асл моҳиятини тасаввур қилишга имкон бермоқда. Дискурс ҳодисасига мурожаат замонавий тилшуносликнинг маҳсулдор ёндашувларидан бўлиб, шу аснода анъанавий равишда лингвистик таҳлил қамровидан четга суриб қўйилган қатор ҳодисалар тадқиқи ва изоҳи, жумладан, дискурсив таҳлил амалларининг грамматика соҳасига жалб қилиниши ушбу соҳанинг “тирик” лисоний материал билан бойиши, хулоса ва натижаларнинг ишончлилиги ортишини асослашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида дискурснинг кўп жиҳатли ҳодиса сифатида талқин қилиниши, сўзсиз, замонавий назарий тилшуносликнинг янги ғоялар, таҳлил усуллари билан бойитмоқда. Шу боис дискурсни асосий категориал белгилари бўлган диалоглик, адресатлик, вазиятлилик, интенциаллик (коммуникатив мақсад ифодаси) ва баҳолиликлари каби хусусиятларга эга бўлишига нисбатан тавсифлаш ва тизимли равишда таҳлил қилиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Юқоридаги категориал белгиларнинг қайд этилиши дискурсни фрейм тузилишида тасвирлаш имконини беради, зеро, бундай тасвирда мулоқот иштирокчилари ва уларнинг мақсади, нутқий фаолият бажарилиш жараёни, унинг воситалари ва маҳсули (матн) яққол намоён бўлиши, лисоний материалнинг дискурсив мисоллар ҳисобидан бойитилиши, когнитив-дискурсив таҳлил парадигмасининг таъсирида олдиндан мавжуд бўлган лингвистик тавсиф турларининг тамоман янги кўриниши, ўз навбатида, тилшуносликнинг тадқиқи чегарасини кенгайтиришга ва янги хулосалар чиқаришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш мақсадида тадқиқотчилар олдига қатор вазифалар қўйилмоқда. «Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш жуда зарур»¹. Айниқса, хорижий тилларни назарий ва амалий эгаллаш, халқлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, инглиз ва ўзбек тилларида нутқий тузилмалар ахборот-дискурсив мазмуни шаклланиши жараёни хусусиятлари ёритувчи тадқиқотларни чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 8 февраль, 28(6722)- сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Нутқий тузилмалар ахборот-дискурсив мазмуни шаклланиши жараёнида тежамкорлик тамойилининг фаоллашувини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Oxford University Language Centre (Буюк Британия); University of Harvard, California State University (АҚШ); Universität Bonn (Германия); University of Oslo (Норвегия); University of Vienna (Австрия); Vrije Universiteit Amsterdam (Нидерландия); Stroudsburg Association of Computational Linguistics (Франция); Shanghai Foreign Languages University (Хитой); New Bulgarian University (Болгария); Dublin City University (Ирландия); University of Toronto (Канада); Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (РФ); шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида нутқий тузилмаларнинг тилда шаклланиш тарихи ва воқеланишига доир муҳим, жумладан, қуйидаги хулосалар чиқарилган: баъзан кўппредикативлиги унинг пропозициясига қарама қарши қўйилади.

² Шарҳ университетларнинг веб-сайтларидаги маълумотлар асосида тақдим этилди: <https://morris.umn.edu/>, <https://www.utoronto.ca/>, <https://www.uni-sofia.bg/>, <https://www.leeds.ac.uk/>, <https://www.bg.ac.rs/en/>, <https://www.kcl.ac.uk/>, <https://www.uu.nl/en>, <http://ju.edu.jo/home.aspx>, <https://iso.uni.lodz.pl/>, <https://www.olivet.edu/>

Лекин пропозиция мундарижа жиҳатидан хабарга мос келиши сабабли уни предикативликка тенглаштириб бўлмайди (Oxford University Language Centre, Буюк Британия; Harvard University, USA); нутқий тузилмалар ахборот-дискурсив мазмуни шаклланиши, инсон тилда ўз қиёфаси ички туйғулари, ҳис ҳаяжони, билими, воқелигини ва бошқа инсонларга муносабатини акс топтириши вазифалари очиб берилган (University of California, USA; Lancaster University, University of Edinburgh, Буюк Британия; Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, РФ); тежамкорлик тамойили матннинг семантик, стилистик ҳамда прагматик хусусиятларига кўра фаоллашуви асосланган (Самарқанд давлат чет тиллар институти).

Бугунги кунда дискурс таркибида ахборотни шакллантирувчи воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятларини, матннинг таркибий тузилишини ва унинг мазмун-моҳиятини нималар ташкил қилишини аниқлаш масаласини ўрганиш, тил табиати ва моҳияти, унинг соҳиби бўлган инсоннинг ички дунёси, дунёқараши ва руҳияти билан боғлиқлиги ҳақидаги масалаларнинг чоғиштирма тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида тежамкорлик тамойилининг тил тараққиётида тутган ўрни, лисоний тежамкорликнинг ахборот ифодасидаги ортиқчаликка муносабати, лисоний тежамкорлик ва тилнинг тизимли қурилиши каби муаммолар атрофлича ёритиб берилган³.

Замонавий тилшуносликда ижтимоий-когнитивлик мақомига эга бўладиган ахборотнинг онтологик хусусиятлари, тилдаги яратувчанлик жараёни, унинг воқеланиш жараёнида лисоний бирликларни нутқий мулоқот шароитида ҳосил қилиш, яратиш фаолияти муаммолари⁴, дискурснинг антропоцентриклик, интенционалик, вазиятлик, структур-семантик яхлитлик, очиклик, динамиклик каби хусусиятларга эга бўлиши⁵, ахборотни сақлаш ва узатиш жараёнлари тадқиқи⁶, ахборотнинг синтактик, семантик ва прагматик турларга ажратилиш⁷, ахборотнинг шаклланиши ва воқеланиши⁸га

³ Ungerer F., Schmid H. An Introduction to Cognitive Linguistics. –Edinburgh: Longman, 1996. – P.66; Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.:Изд-во АН, 1963. Т.1. – С. 349.; Серебренников Б.А. К проблеме сущности языка // Общее языкознание. –М.: Наука, 1970. –С. 49; Пауль Г. Принципы истории языка. –М.:Изд-во иностранной лит-ры, 1960. – С. 303; Whitney W.D. The Life and Growth of Language. An Outline of Linguistic Science. –New York: Appleton and Company, 1997. – 326 p.; Блумфилд Л. Язык. — М.: Прогресс, 1968. — С.272.; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. –М.: Прогресс-Универс, 1993. –С.12.; Мартине А. Принцип экономии в фонетических изменениях: проблемы диахронической фонологии. –М.: Изд-во иностр. литературы, 1960. –С.130.

⁴ Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. –Т.: Баёз, 2015. – Б.279; Ashurova D.U., Galieva M.R. Text Linguistics. –Т.:Turon – Istiqbol, 2016. -324 p; Мамажонов А., Абдупаттоев А. Матн назарияси. – Фарғона:Classic, 2016.

⁵ Нормуродова Н.З. Инглиз бадий дискурсида антропоцентризмнинг вербал экспликацияси. Филол.фанлари докт. дисс. автореферати. –Т., 2020. – Б. 17.

⁶ Roberts C. Information structure: Towards an integrated formal theory of Pragmatics // OSU Working papers in linguistics 49: Papers in Semantics. –Ohio: Ohio State University, 1996. –P.24.; 227. Arnold J., Kaiser E., Kahn J., Kim L. Information structure: linguistic, cognitive and processing approaches // Cognitive science, 2013. –Vol.4. –P.403-413.

⁷ Антонов А.В. Информация: восприятие и понимание. –Киев: Наукова думка, 1988. –С. 12.

⁸ Соколов А.В. Информация: Феномен? Функция? Фикция? // Философские науки, 1990. -№9. –С.22.

оид баён қилинган фикр-мулоҳазалар соҳага оид назарий қарашлар асосини ташкил қилади.

Хориж тилшунослигида О.Т.Йокаяма, Дж.Кёрм, У.Эдмонсон, Э.Гардинер, У. Чейф⁹ каби олимларнинг ишларида нутқий фаолият инсон организми, рухий-физиологик хусусиятлари билан боғлиқ лисоний тежамкорликка амал қилган ҳолда кечиши баён қилинган. Бу олимларнинг ишларида фонетик, морфологик, лексик, синтаксис сатҳлари билан бир қаторда, матн сатҳини ҳам алоҳида структур семантик табиатга эга ҳодиса сифатида ажратиш каби масалалар таҳлили келтирилган. Женева тилшунослик мактабининг вакили Анри Фрей функционал тилшунослик бошқа йўналишлардан фарқли равишда, тилда мавжуд бўлган фактларни изоҳлаш, уларнинг сабабини аниқлаш мақсадини кўзлашни қайд этади.¹⁰

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида узоқ пайтдан буён таъкидланиб келинаётган "лингвистик таҳлилнинг энг катта бирлиги - гап", деган анъанавий ақидага барҳам берилди ва асосий алоқа воситаси, алоҳида семиотик ҳодиса - матн эканлиги эътироф этила бошланди. Шу даврда матннинг таркибий тузилишини ва унинг мазмун-моҳиятини нималар ташкил қилишини аниқлаш масаласи тилшуносларнинг эътиборига тушди¹¹. Кейинги йилларда эса матн тилшунослиги тараққиёти кейинги босқичга чиқди ва тадқиқотчилар матннинг семантик, стилистик ҳамда прагматик хусусиятларини изчил ўрганмоқдалар.¹²

Лисоний тежамкорликнинг ахборот ифодасидаги ортиқчаликка муносабати борасида рус тилшунослигида ИА.Бодуэн де Куртенэ, Е.Д.Поливанов, Ю.А.Соколовский, Б.Г.Таранец, Р.А.Будагов¹³ каби олимлар

⁹ Голубева-Монаткина Н.Ц. Рецензия на кн.: Yokoyama O.T. Discourse and word order // Вопросы языкознания, 1991. -№2. -С.148-152; Curme G. A Grammar of the English Language. -Boston: Heath and Company, 1931-1935. - 616 p.; Edmondson W. Spoken Discourse: A Model for Analysis. -L.:Longman, 2005. - 310p.; Gardiner A. The theory of Speech and Language. -Oxford: Oxford University Press, 1951. - 316 p.; Chafe W. Language and consciousness // Language, 1974. -Vol.50. -P.111-133.

¹⁰ Henri Frei. La grammaire des fautes: Introduction à la linguistique fonctionnelle. — 1929. // Фрей А. Грамматика ошибок. -М.:КомКнига, 2006. -С. 23.

¹¹ Москальская О.И. Грамматика текста. -М.:Высшая школа, 1981. -183с.; Зарубина Н.Д. Текст: лингвистический и методологические аспекты. -М.:Русский язык, 1981. -183с.; Тураева З.Я. Лингвистика текста. -М.:Просвещение, 1986. -200с.; Каменская З.Я. Текст и коммуникация. -М.:Высшая школа, 1990. - 183с.; Van Deemter K., Odjik J. Context modeling and the generazation of spoken discourse // Speech Communication, 1997. Vol.21. -P. 101-121; Ungerer F., Schmid H. An Introduction to cognitive Linguistics. - Edinburgh: Longman, 1996. - 306 p.; Tummers J., Speelman D., Geeraerts D. Usage-based Approaches in Cognitive Linguistics // Corpus Linguistics and Linguistic theory, 2005. Vol.1. -P. 225-261.; Stabbs M. Discourse analysis. The Sociolinguistic analysis of natural language. -Oxford University Press, 1983. - 316 p. ва бошқалар.

¹² Валгина Н.С. Теория текста -М.:Логос, 2004. -183с.; Шевченко Н.В. Основы лингвистического текста - М.:Приор, 2003. -183с.; Чернявская В.Е. Лингвистика текста: поликодовость, интертекстуальность, интердискурсивность. -М.:Либроком, 2009. -183с.; Молчанова Г.Г. Семантика художественного текста. - Т.:Фан, 1998.; Боймирзаева С.У. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол.фан.докт. ... дисс. -Т.,2010.; Мамажонов А., Абдулаттоев М. Матн назарияси. -Фарғона, 2016. -114б.; Носирова У.И. Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари. - Фарғона:Classic, 2020. -152б.; Chomsky N. Language and Mind. -Cambridge: Cambridge University Press, 2006. - 190 p.; Geeraerts D. Conceptual Structure and Conceptual Variation. -Shanghai: Foreign Language Education Press, 2017. - 333 p.; Langacker R. Foundations of Cognitive Grammar. Vol.I. - Stanford University Press, 1987.; Edmondson W. Spoken Discourse: A Model for Analysis. -L.:Longman, 2005. - 310p.; Croft W., Cruse D.A. Cognitive Linguistics. -Cambridge: Cambridge university Press, 2004. - 356 p.

¹³ Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. -М.:Изд-во АН, 1963. Т.1. - 384с.; Т.2. - 391с.; Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. -М.: Наука, 1968. - 376с.; Соколовский Ю.А.

ўз қарашларини баён қилинган. Тилнинг антропоцентрик табиати ҳақида фикр юритган Н.Д.Арутюнова инсон тилда ўз қиёфаси ички туйғулари, ҳис ҳаяжони, билими, воқелигини ва бошқа инсонларга муносабатини акс топтиришини қайд этади¹⁴. Тилда инсон омили муаммосини муҳокама қилишаётган олимларнинг диққат марказида “тил тизими асосида турган механизм эмас, балки унинг қўлланиши” туради¹⁵. Жаҳондаги барча тилларда ортикчалик у ёки бу даражада намоён бўлиши ва бу хилдаги ортикчалик тилнинг “хаёти”ни, унинг мулоқот воситаси бўлишини таъминловчи заҳира эканлиги алоҳида қайд этилади.

Тадқиқот ишимиз предмети сифатида танланган эллиптик гапларнинг нутқий тузилмалар сифатида воқеланишининг ахборот-дискурсив хусусиятлари масаласи қадимдан ўрганилиб келинаётган бўлса-да, бугунги кунда муаммога оид янгича қарашларни қатор олимларнинг ишларида кузатиш мумкин.¹⁶ Бу ишларда тил тадқиқига оид анъанавий қарашлар билан бир қаторда семантик тадқиқ жараёнида прагматик, социолингвистик, психолингвистик каби тил бирликлари мундарижасининг муҳим қисмларини ташкил қиладиган маълумотларни эътиборга олиш талаб қилиниши каби замонавий қарашлар ҳам ёритиб берилган.

Ўзбек тилшунослигида тежамкорлик тамойили хусусиятлари А.Нурмонов, Н.Махмудов, Н.Махкамов, Ж.Элтазаров, Ғ.Зикриллаев¹⁷ каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Бироқ тежамкорлик тамойили фаоллашувининг нутқий тузилмалар ахборот-дискурсив мазмуни шаклланиши жараёнидаги ролини инглиз ва ўзбек тиллари материали асосида қиёсий ўрганишга бағишланган йирик монографик тадқиқот мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Избыточность и отсециени информации как средство нивелирования семантических помех // Слово в языке и речи. –Нальчик, 1982. –С.87-94; Таранец Б.Г. Энергетическая теория речи. –Киев-Одесса: Вища школа, 1981. –149с.; Будагов Р.А. Определяет ли принцип экономии развитие и функционирование языка? // Будагов Р.А. Человек и его язык. –М.: Изд-во МГУ, 1974. –С. 59-83.

¹⁴ Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. –М.: Языки славянской культуры, 1999. – С.3

¹⁵ Пименова М.В. Концептуальные исследования. –М.: Флинта, 2011. – С.10.

¹⁶ Venermann Th. Words and Syllables in Natural Generative Grammar // Papers from parasession on Natural Phonology. –Chicago, 2001. – P.316-374.; Steedman M. Information structure and the syntax-phonology interface // Linguistic inquiry, 2000. Vol.34. –P. 649-689.; Scheloff E. Goffman and analysis of conversation // Erving Goffman: Exploring the Iteraction Order. –Cambridge: CUP, 1988. –P. 89-135.; Razzi L. A Parametric Approach to Comparative Syntax: Properties of the pronominal system ; Long R. The Sentence and it's Parts. A Grammar of Contemporary English. –Chicago: The University of Chicago Press, 2001. – 464 p.; Gardiner A. The theory of Speech and Language. –Oxford: Oxford University Press, 1951. – 316 p.; Шпильная Н.Н. Диалогический текст. Деривационная концепция. –М.: URSS, 2018. – 384с.; Чахоян Л.П. Синтаксис диалогической речи современного английского языка. –М.:Высшая школа, 1979. – 168с.; Малявина Л.А. К теории эллипсиса (Эллипсис в грамматике Фр.Санчеса 1587) // Проблема внутренней и внешней лингвистики. –М.: Наука, 1978. –С.69-74.

¹⁷ Нурмонов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка. Дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1973. – 182с.; Махмудов Н.Н. Эллипсис в узбекском языке. Дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1977. – С.83; Махкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. –Т.:Фан, 1988. -93б.; Элтазаров Ж.Д. Усечение в узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Самарканд, 1992. -14с. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамлилиқ тамойили ва қисқарув. –Самарканд:СамДУ, 2004. –Б.22; Зикриллаев Ғ. Рух ва тил. –Т.:Фан, 2018. – Б. 344-447.

Диссертация мавзуси Бухоро давлат университетининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Прагмалингвистика, функционал таржимашунослик, ва тил ўргатиш жараёнлари интеграцияси” мавзuidaги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади синтактик эллипсиснинг табиати, унинг келиб чиқиш сабаблари, дискурсив мақомини аниқлаш орқали уларнинг тил ва нутқдаги ўрнини, лисоний, структур-семантик, коммуникатив-прагматик, когнитив-концептуал, лингвостилистик ҳамда коммуникологик табиатини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тежамкорлик тамойилининг ахборот-дискурс жараёнида воқеланишининг ўзига хос жиҳатларини назарий ўрганиб чиқиш ва тегишли хулосалар чиқариш;

дискурснинг шахс ва ижтимоий мавқе мўлжалидаги турларини инобатга олган ҳолда тил тизимининг турли сатҳларида тежамкорлик тамойилини тадқиқ этишнинг қўлга киритилган натижаларини аниқлаш;

дискурс таркибида ахборотни шакллантирувчи воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари, тил қонуниятлари асосида мунтазам яратиладиган эллиптик тузилмаларни аниқлаш ва уларнинг стилистик вазифаларини дискурсив ёндашув асосида очиб бериш;

лисоний тежамкорлик тамойилининг ахборот қўламини шакллантиришдаги иштирокини белгилаш, ахборот бирлигига тил тизимидан муқобилликни топиш имкониятларини аниқлаш, матн қисқариши ва ортиқча ахборотни бартараф этиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

тежамкорлик тамойилининг алоҳида тил сатҳларида воқеланиш имкониятларини ўрганиш, диалогик тузилмаларнинг структур турлари ва коммуникатив имкониятлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тил тежамкорлигини ифодаловчи нутқий тузилмалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини тил ва матн тизимдаги эллиптик нутқий тузилмаларнинг структур-семантик, лингвостилистик, прагматик ва когнитив хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тавсифий, тасвирий-таҳлилий, дискурсив, контекстуал-ситуатив, коммуникатив-прагматик, когнитив-концептуал, лингвостилистик ҳамда тизимли функционал таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лисоний бирликлар маъноси фақат олам идрокининг акси бўлмасдан, балки инсон тажрибасини умумлаштириш маҳсули эканлигига кўра лисоний шакл ва иборалар олам лисоний манзараси шаклланишига ўз улушини қўшиши баробарида сўзловчининг грамматик ва лексик унсурлар танловидан ташқари, нутқий тузилманинг пропозиция мундарижасига ҳам таяниши асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида ажратилган бўлақларнинг нутқда кичик ва

миқдоран кам лисоний воситаларни қўллаш орқали кўпроқ миқдордаги ахборотни ифодалашга имкон яратиши исботланган;

тежамкорлик ҳодисасининг табиати ва моҳиятини белгилаш учун дискурсив фаолиятни таъминловчи омиллар ҳамда унинг иштирокчиларининг коммуникатив мақсадини аниқлаш оқибатида мулоқот жараёнида, дискурсив фаолият мобайнида тилнинг асосий вазифаси бўлган ахборотни узатиш ва қабул қилиш ҳаракатлари самараси намоён бўлиши далилланган;

таҳлил қилинаётган тиллардаги нутқий тузилмаларда мавжудлик ҳақидаги ахборот; модал бўлак; замон кўрсаткичи; макон кўрсаткичи; хусусият; ушбу белгиларга эга предмет каби олтига ахборот бўлагидан бирининг лисоний воқеланмасдан қолиши лисоний тежамкорлик қонуниятининг нутқий фаоллашуви натижаси эканлиги аниқланган;

узатилаётган ахборотнинг асосий ёки ўзак қисми ҳисобланган рема нутқий фаолият муҳитида турлича воқеланиши сабабли у гап таркибида нафақат просодик ҳамда луғавий-грамматик воситалар ёрдамида балки гапнинг шаклан ифода топмаган бўлагидаги ахборот ортиқчалигидан сақланиш воситаси вазифасини ўташи, тематик ахборот эса контекстга таянган ҳолда тикланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тили синтаксисига хос бўлган нутқий тузилмалар тежамкорлигининг амалда қўлланилиш моҳияти ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда эришилган илмий хулосалар айни замонда миллий тилшунослик фанининг долзарб муаммоси бўлган дискурс таҳлил, коммуникатив грамматика, матн таҳлили, қиёсий типология фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш, назарий тилшунослик, матн лингвистикаси, прагмалингвистика ва когнитив тилшунослик соҳаларига оид махсус семинарларни ташкил қилишда, шу жумладан, ушбу фанларни янги назарий қарашлар билан бойитиши ва уларнинг ривожини учун фойдали бўлган ўзига хос илмий ёндашувларнинг шаклланишига хизмат қилиши аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмаси, гап ва матн семантик-синтактик структурасининг шаклланиши сўзлашув дискурси намуналарида ўз аксини топган ва ушбу намуналар асосида нутқий тузилмаларнинг семантик-структур кўрсаткичлари икки тил тизимида қиёсланиб, улар юзасидан тежамкорлик тамойилининг ахборот-дискурс жараёнида воқеланишига оид назарий ва тил ўрганувчиларнинг лингвистик ва коммуникатив қобилиятини ошириш, тилшунослик, хусусан, оғзаки дискурсда кузатилатиладиган эллиптик гаплар мундарижаси борасидаги билимини ошириш каби амалий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосалар тадқиқотчи томонидан эълон қилинган илмий ишларда ўз ифодасини топганлиги ҳамда бу хулосалар илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланганлиги, синтактик эллипсиснинг ахборот-дискурсив мазмун шаклланиш хусусиятларига оид қўйилган муаммо тавсифий, тасвирий-таҳлилий, дискурсив, контекстуал-ситуатив, коммуникатив-прагматик,

когнитив-концептуал, тизимли функционал таҳлил таҳлил методлари асосида аниқлаб берилгани, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти коммуникатив ҳамда когнитив тилшунослик ғояларини тилнинг дериватив қонуниятлари хусусиятлари, инглиз, ўзбек ва бошқа тилларнинг синтактик тизими тадқиқига татбиқ қилиш имкониятида намоён бўлади, шунингдек, олинган натижалар тилшуносликнинг дискурс таҳлили, семасиология, когнитология, нутқий тузилмалар синтаксиси ва прагматикасига оид қатор муаммолар ечимини излаш борасида назарий аҳамиятга моликлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, даставвал, унинг натижаларидан олий ўқув юртларида умумий тилшунослик, дискурс таҳлили, матн лингвистикаси, замонавий тилшунослик фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш ва махсус семинарларни ташкил қилишда, янги кўринишдаги ўқув қўлланмалари яратиш, турли илмий тадқиқот ишларини бажаришда манба хизматини ўташи мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тил қонуниятлари асосида мунтазам яратиладиган эллиптик тузилмаларни аниқлаш ва уларнинг стилистик вазифаларини дискурсив ёндашув асосида таҳлил қилиш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

лисоний бирликлар маъноси фақат олам идрокининг акси бўлмасдан, балки инсон тажрибасини умумлаштириш маҳсули эканлигини инобатга олган ҳолда лисоний шакл ва иборалар олам лисоний манзараси шаклланишига ўз улушини қўшиши баробарида сўзловчининг грамматик ва лексик унсурлар танловидан ташқари, нутқий тузилманинг пропозиция мундарижасига ҳам таяниши билан боғлиқ натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2017-2020 йилларга мўлжалланган ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 15 августдаги 17.01/322-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа мундарижаси нутқий тузилмаларнинг ахборот-дискурсив мазмуни шаклланишига доир янги кўринишдаги ўқув адабиётлар яратиш имконияти билан бойитилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги лисоний тежамкор тузилмаларнинг таҳлили асосида ажратилган бўлақларнинг нутқда кичик ва миқдоран кам лисоний воситаларни қўллаш орқали кўпроқ миқдордаги ахборотни ифодалашга имкон яратиши билан боғлиқ илмий хулосалардан Олий таълимнинг хорижий филология (инглиз) 5111400, 5112200, 5120100, 5120200 таълим йўналишлари учун яратилган “Theoretical Aspects of the Language Learned (History of the English language)” номли дарсликни яратишда фойдаланилган

(Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан берилган №418-113 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада тилнинг тадрижий ривожланишида лисоний ўзгаришларга олиб келувчи тежамкорлик тамойилининг ролига доир назарий ва фактик материаллар орқали ўқув адабиёти такомиллаштирилган;

узатилаётган ахборотнинг асосий ёки ўзак қисми ҳисобланган рема нутқий фаолият муҳотида турлича воқеланиши сабабли у гап таркибида нафақат просодик ҳамда луғавий-грамматик воситалар ёрдамида балки гапнинг шаклан ифода топмаган бўлагидаги ахборот ортиқчалигидан сақланиш воситаси вазифасини ўташи, тематик ахборот эса контекстга таянган ҳолда тикланишига оид хулоса ва натижаларидан Европа Иттифоқи томонидан TEMPUS дастурининг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Европа иттифоқидаги ҳамкорлар - Лондон Метрополитан Университети (Буюк Британия), Витаутас Магнус Университети (Литва), Пелопенез Университети (Греция) ва Британия Кенгаши билан ҳамкорликдаги QARD лойиҳаси доирасидаги 516996 –TEMPUS-1-2011-1-GB-TEMPUS-SMGR "Профессионал академик лидерлар тайёрлаш орқали таълим сифатини ошириш" мавзусидаги лойиҳа дастурида фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 19 сентябрдаги №02-04/01-1678-сон маълумотномаси). Натижада филология ва тилларни ўқитиш (инглиз) таълим йўналиши 3-курс талабалари учун малакавий амалиёт ишчи дастурининг глоссарийсини тузишда, ўқитувчиларнинг лингвистик ва коммуникатив қобилиятини ошириш, тилшунослик, хусусан, оғзаки дискурсда кузатилатиладиган эллиптик гаплар мундарижаси борасидаги билимини ошириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш мақсадида яратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда янги ёндашувлар асосида фан дастурини модернизация қилиш имкони яратилган;

тежамкорлик ҳодисасининг табиати ва моҳиятини белгилаш учун дискурсив фаолиятни таъминловчи омиллар ҳамда унинг иштирокчиларининг коммуникатив мақсадини аниқлаш оқибатида мулоқот жараёнида, дискурсив фаолият мобайнида тилнинг асосий вазифаси бўлган ахборотни узатиш ва қабул қилиш ҳаракатлари самараси намоён бўлишига доир назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро” ва “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 13 сентябрдаги № 1/236-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни бойитилган; келтирилган таҳлиллар телетомошабинларнинг мулоқот жараёнида, дискурсив фаолият мобайнида тилнинг асосий вазифаси бўлган ахборотни узатиш ва қабул қилиш ҳаракатлари самараси ва мазмуни тўғрисидаги билимини ва уларнинг нутқ зоҳирланишига қизиқишини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та, илмий-амалий анжуманда, жумладан, 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-

амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларида 10 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 251 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Нутқий фаолият бирликларининг дискурсив тадқиқи**», деб номланиб, мазкур боб уч параграфдан иборат. Унда мураккаб хусусиятли когнитив-коммуникатив ҳодиса ҳисобланган дискурсни воқелантирувчи лисоний шакл (матн) ва нолисоний омиллар ўрганилган. Мазкур омиллар олам ҳақидаги билим, фикр, мўлжал, мулоқот мақсади, коммуникатив фаолият иштирокчиларининг ижтимоий мақоми ҳамда мулоқот кечаётган замон, макон кабилар кўринишида бўлиб, дискурсни яралиши ва тушунилишини таъминлайди. Мазкур бобда матн ва ижтимоий матн ва ижтимоий вазиятдан иборат дискурсни лисоний шакл, маъно ва ҳаракатнинг мураккаблашган ўзаро муносабати негизда ҳосил бўлишига доир ёндашувлар таҳлил этилган.

Тилнинг антропоцентрик табиати ҳақида фикр юритган Н.Д.Арутюнова инсон тилда ўз киёфаси, ички туйғулари, ҳис ҳаяжони, билими, воқелигини ва бошқа инсонларга муносабатини акс топтиришини қайд этади¹⁸. Тилда инсон омили муаммосини муҳокама қилишаётган олимларнинг диққат марказида “тил тизими асосида механизм эмас, балки унинг қўлланиши” туради¹⁹. Ҳар қандай тилнинг асоси сўз, ҳар турли фикрлар сўз воситасидагина юзага чиқади, англантилади, англашилади. Асрлар оша «Ғазал мулкининг султони», «Сўз мулкининг султони» дея эътироф этиб келинаётган ҳазрат Алишер Навоий даҳоси буюклигининг асл таянчи ҳам сўздир. Навоий сўзнинг нақадар улуғворлиги, беқиёслиги, маъни

¹⁸ Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. –М.: Языки славянской культуры, 1999. – С.3

¹⁹ Пименова М.В. Концептуальные исследования. –М.: Флинта, 2011. – С.10.

чексизлигини, рухпарвар, жонбахш неъмат, илоҳиёт меваси эканлигини лисоний зеболиклар ила исботлаб берган моҳир сўз санъаткори. Мутафаккир ўз илмий-ижодий фаолияти орқали туркий тил, бугунги ўзбек адабий тили ривожининг тамал тошини қўйди.

Когнитив тилшуносликнинг кейинги ривожиди “дискурсив бурилиш” юзага келгани сезилиб турибди. Бунга сабаб, таҳлил объекти сифатида алоҳида олинган сўз ёки гап эмас, балки дискурс танланаётганидир. Дискурснинг антропоцентриклик, интенционаллик, вазиятлилик, структур-семантик яхлитлик, очиклик, динамиклик каби хусусиятларга эга бўлиши²⁰ унинг таркиб топишида иштирок этаётган лисоний ҳодисаларнинг асл моҳиятини тасаввур қилишга имкон беради. Натижада, мазмун муаммоси, тафаккур жараёнида ва инсонлар ўзаро муносабатида лисоний белгиларнинг роли кабилар тадқиқи долзарблашди.

Тилшунослар тил, нутқ, дискурс ва матн ҳодисалари муносабатини турлича шарҳлайдилар. Тил ва нутқ ўртасида оралик ҳудуд бўлиши шартини қўядиган тадқиқотчилар бу ҳудудга лисоний меъёр, идиолект (алоҳида шахснинг тили) ҳамда контекстни жойлаштириш тарафдоридир. Аммо бундай ёндашувда дискурс нутқнинг сунъий ўхшашига айланади²¹. Дискурснинг оралик ҳодиса эканлиги волгоградлик профессорнинг фикридан ҳам англаш мумкин: “Дискурс бир томондан, нутқ, мулоқот, лисоний ҳатти-ҳаракат ўртасидаги оралик ҳодисадир. Бошқа томондан эса, у мулоқотнинг қолдиғи сифатида матнда воқеланади”²². Бироқ олим томонидан қайд этилаётган ҳодисаларни бир қаторга қўйиш унчалик маъқул кўринмайди, яхшиси уларнинг поғонали муносабатини инобатга олиш зарур. Шу боис, кейинги пайтларда дискурсологлар нутқ ва матн ҳодисалари йиғиндиси дискурсни ташкил қилади, деган мулоҳазага келмоқдалар ва бунда дискурс тушунчасининг мундарижаси кенгроқ эканлиги алоҳида таъкидланмоқда²³.

Маълумки, ҳар қандай лисоний фаолият, нутқий ҳаракат инсон – дискурс – ахборот муносабати доирасида бажарилади ва аниқ бир ижтимоий мақсад ижросига йўналтирилади. Шу боис, лисоний ҳодисалар таҳлилида худди шу учбурчак қисмларининг ўзаро алоқасини ва уларнинг ҳар бири бажарадиган вазифани аниқлашга эҳтиёж туғилади.

“Ахборот” тушунчаси бир қатор фан соҳаларида узлуксиз қўлланиб келинаётганлигига қарамадан, унинг талқинида ҳозирча яқдилликка эришилгани йўқ. Мавзуга бағишланган тадқиқотларда ушбу тушунча турли илмий йўналишлар нуқтаи назаридан ўрганиб келинмоқда ва унга берилаётган таърифлар ҳам у ёки бу илмий мактабда устувор бўлган методологик ғоя, кўрсатмаларга мувофиқ равишда баён қилинмоқда.

Замонавий тилшуносликда “ахборот” тушунчаси етакчи концептуал бирликлардан бирига айланиб улгурди. Буни ҳатто тил ҳодисасига

²⁰ Нормуродова Н.З. Инглиз бадий дискурсида антропоцентризмнинг вербал экспликацияси. Филол.фанлари докт. дисс. автореферати. –Т., 2020. – Б. 17.

²¹ Мыркин В.Я. Язык-речь-контекст-смысл : Учеб. пособие / В. Я. Мыркин; Помор. междунар. пед. ун-т им. М. В. Ломоносова. - Архангельск : Изд-во Помор. междунар. пед. ун-та, 1994. – С. 7.

²² Карасик В.И. Языковой круг: личность концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. –С. 276.

²³ Макаров М.Л. Основы теории дискурса. –М.: Гнозис, 2003. – С. 5-6.

берилаётган таърифларда ҳам кузатамиз. А.Е.Кибрик таъкидлаганидек, “ички яхлитлик ва бутунлик хусусиятига эга бўлган тил кўп вазифали тизимдир. Унинг асосий вазифаларидан бири ахборотга нисбатан бажариладиган амаллари билан боғлиқ ҳолда юзага келади”²⁴.

Шунга ўхшаш таърифни тилнинг кўп вазифали ҳодиса эканлигини эътироф этган Н.Махмудов, тил коммуникатив вазифа билан бир қаторда “дунёни билиш, билимларни тўплаш, сақлаш, кейинги авлодларга етказиш, рухий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни” бажаришини қайд этади. “Тилни, - деб ёзади олим, - фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатидагина талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу бениҳоя мураккаб ва мухташам ҳодисани, энг ками жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий-рухий заминдан мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли “тил”га бараварлаштиришдан бошқа нарса эмас”²⁵.

Когнитив тилшуносликда ҳам “ахборот” тушунчаси кенг миқёсда тарқалган ва ўзига хос тарзда талқин қилинади. Масалан, махсус луғатда ушбу тушунчага “мулоқот жараёнида лисоний шакллар воситасида воқеланадиган ва узатиладиган билим” деб таъриф берилади²⁶.

Тил тизими тадқиқига фаолият назарияси нуқтаи назаридан ёндашиш тарафдорлари, ўз навбатида, ахборотни ноаниқлик даражасини камайтирувчи маълумот тўплами кўринишида талқин қиладилар. Уларнинг фикрича, хабар бошқа шахсга етказилаётган, нисбатан тугал ахборотдир. Хабарнинг мундарижасини ташкил қиладиган ахборот умумий билимнинг маълум бир қисмидир ва уни англаш учун олдинги маълумотлар, тасаввурга мурожаат қилиш керак бўлади²⁷.

Келтирилган таърифлардан маълум бўлишича, тилшуносликнинг кўпчилик соҳаларида ахборот тушунчасининг функционал талқини устунлик қилади. Лекин “ахборот” ва “билим” тушунчаларининг муносабати бу соҳаларда ҳам тўлиқ ёритилмаган. Ушбу муаммо ҳатто кейинги пайтларда тил ҳодисалари тадқиқида кенг тарқалган фаоллик назарияси доирасида ҳам тортишувларга сабаб бўлмоқда. Маълумки, ушбу ёндашувда ахборот - коммуникатив вазифа бажараётган билим сифатида қаралади. Семиотик талқинда эса, аксинча, ахборотга “белги шаклини олган билим” мақоми берилади²⁸.

Дискурс таркибида ахборотни шакллантирувчи воситалар таҳлили натижаларига кўра, ахборот мулоқот муҳитида узатиладиган билим шаклига эга бўлиб, шахснинг когнитив фаолиятини пропозициялар кўринишида

²⁴ Кибрик А.Е. Очерки по общим и прикладным вопросам языкознания (универсальное, типовое и специфическое в языке). - 2-изд. -М.: Эдиториал, 2001. -С. 9.

²⁵ Махмудов Н. Маърифат манзиллари. -Т.:Маънавият, 1999. -Б.44.

²⁶ Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. -М.: Изд-во МГУ, 1996. -С. 36.

²⁷ Супрун А.Е. Лекции по теории речевой деятельности. - Минск: Белорусский фонд Сороса, 1996. -С. 20.

²⁸ Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. -М.: Изд-во МГУ, 1996. -С. 47.

воқеланишидир. Бошқача айтганда, ахборот маълум лисоний белгилар воситасида шахснинг тажрибаси, унинг олами билиш жараёнида ўзлаштирган билимини акс эттиради. Айни пайтда унутмаслик керакки, ҳар бир шахс олами ўзича идрок этиши ва когнитив фаолиятни ташкиллаштиришнинг ўзига хос мўлжал, воситаларига эга бўлиши мумкин. Бунда мазмун шахс ва дискурс муносабатини тақозо этади.

Дискурс ёки нутқий тузилма мундарижасини аниқлашда унда ифода топаётган ахборот структурасининг роли муҳимдир. Кўпчиликнинг фикрича, ахборот тузилиши нутқий тузилмани икки қисмга ажратади. Улардан биринчисида дискурсни таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги акс этса, иккинчисида тамоман янги ахборотни киритиш олдин маълум қилинган ахборотни бойитиш, янгилаш ҳисобидан дискурс мундарижасини кенгайтириш вазифаси бажарилади. Лекин тамоман эски, олдиндан маълум ахборотни узатиш ҳолатлари ҳам мавжуд²⁹.

Тадқиқотчилар ахборот тема ва рема бирикувидан иборат бўлишини таъкидлашаётиб, гапнинг дискурсда қандай маъно англатиши темага боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Рема эса контекстга боғлиқ ҳолда маъно ифодасини таъминлайди³⁰.

Дискурсда ахборот шаклланиши шароитлари ҳақида гапираётиб, инглиз тилида ҳали XVI асрдаёқ дискурс тушунчаси “оғзаки ва ёзма нутқ” мазмунида англашилганини эслатмасликнинг иложи йўқ:

*Bid me discourse? I will enchant thine ear,
Or, like a fairy, trip upon the green,
Or, like a nymph? With long dishevell'd hair,
Dance on the sands, and yet no footing seen:
Love is a spirit all compact of fire,
Not gross to sink, but light, and will aspire.* (W. Shakespeare)

У.Шекспирнинг “Венера ва Адонис” асаридан олинган мазкур парчани ўқиётганда, дискурсни маълум замон ва маконда кечаётган ҳамда тилдан ташқарида турадиган муҳит ва коммуникатив мақсад билан боғлиқ нутқий фаолият эканлигига ишончимиз ортади. Ушбу фаолиятнинг амалга ошиши ахборотнинг шаклланиши ва воқеланишини тақозо этади.

Диссертациянинг «**Тежамкорлик тамойили ва лисоний ходисалар муносабати**», деб номланган иккинчи боби уч фаслдан иборат. Инглизбабон, рус ва ўзбек тилшунослигида тадқиқотларни ўрганиш уларни тадқиқот объекти сифатида чоғиштиришга ва муайян илмий назарий хулосаларга келишга имкон берди. Ушбу бобда муаммога қизиқишнинг аҳамияти, тежамкорлик тамойилининг тил фаолиятида воқеланиш омиллари очиқ берилган. Баъзилар тежамкорлик тил ва нутқ муносабатини белгилашда муҳимлигини таъкидлашса, бошқалари унинг тил тизими ривожини таъминлашдаги ролини алоҳида қайд этади. Яна бировлари эса ушбу

²⁹ Steedman M. Information structure and the syntax-phonology interface // Linguistic inquiry, 2000. Vol.34. –P. 649-689.

³⁰ Kruijff-Korbajova L., Steedman M. Discourse and information structure // Journal of Logic, Language and Information, 2003. -Vol.12. –P.252.

ходисанинг аҳамиятини пасайтиришга ҳаракат қилишиб, тежамкорлик тилнинг нутқий фаоллашувида унчалик катта ролни ўтамайди, деб ҳисоблайди.

Буюк тилшунос Маҳмуд Қошғарий туркий қавмлардан бўлган ўғузлар сўзларни қисқартириб талаффуз қилишга мойиллигини кўрсатиб ўтган. Унинг ёзишича, “Турклар “у одам уйга ҳадеб кетаверадиган” маъносида “ол эвгэ бараган ол” десалар, ўғузлар шу маънода “ол эвгэ баран ол” дейдилар. Турклар “у одам қулини ҳадеб ураверадиган” маъносида “ол эр қулини улаган ол” десалар, ўғузлар шу гаптаги “ураган” сўзини “уран” деб талаффуз қиладилар”.³¹

Тежамкорлик тамойилининг тил тизимидаги қонуниятлари тўғрисида атрофлича фикр юритган И.А.Бодуэн де Куртенэ тилдаги ўзгаришларни руҳий ва жисмоний куч сарфи билан боғлайди. Демак, бу ерда лисоний тежамкорлик тамойили фаоллашади.³² Умуман, ушбу масала олимнинг диққат марказида тургани яққол кўриниб туради. Унинг фикрича, тил тизимидаги силжишлар қандайдир олдиндан режалаштирилган ҳаракат натижаси бўлмасдан, балки фаолиятни енгиллаштириш истагининг оқибатидир. Бунинг исботини биз қуйидаги қайдларда кўришимиз мумкин: “Лисоний шакллларнинг соддалашуви, бир хил турларнинг пайдо бўлиши, шакл ва мазмун уйғунлиги, олдиндан режалаштирилган мақсадга интилиш натижаси бўлмасдан, балки улар нутқ жараёнини енгиллаштириш ҳамда ортиқча меҳнатни бартараф этиш ҳаракатлари сабабли ҳосил бўлади”.³³ Бундан, олим тежамкорлик тамойилини сўзловчининг нутқий аппаратни ортиқча ишлашдан сақлаш ва шу йўсундан мулоқот жараёнини енгиллаштириш истаги билан боғлаётгани маълум бўлади.

Қиёсий-тарихий тилшунослик йўналишининг йирик вакили Г.Паулнинг ушбу ҳодисага нисбатан хулосаси бироз бошқачароқ. Унинг қайдича, тил ифода воситаларининг мураккаблиги ва баъзан ортиқча бўлишидан қочиб қутулолмайди. Лекин тил ҳар қандай ортиқчаликдан халос бўлишга ҳам қодир. Бир хил маънога эга унсурларнинг айримлари вақт ўтиши билан йўқолади ва фақат маъно-мазмун жиҳатдан ўзаро фарқ қиладиганлари сақланади.³⁴

Талаффузда тежамкорликка амал қилиш беихтиёр кечадиган ҳодиса эканлигига ҳеч қандай гумон йўқ, албатта. Лекин инсон нутқ маданияти меъёрларига амал қилишида унинг “homologues”га хос хусусиятлари намоён бўлади, яъни у узатилаётган ахборотнинг мазмуни ва ушбу ахборотнинг тингловчига етказиш шаклига тамоман бефорқ бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда, сўзловчига ахборотни қисқа ёки батафсил баён қилиш имкони берилса, у кўпинча қисқа баённи танлаши муқаррар. Бироқ, нимани, қандай ва қачон тежашнинг йўлини билиш зарур. Зеро, ноўрин тежамкорлик

³¹ Қошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девони Луғатит Турк). –Т.: Фан, 1960. 1-жилд. – Б. 69.

³² Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.:Изд-во АН, 1963. Т.1. – 384с.; Т.2. – С. 352.

³³ Ўша асар. –Б. 126.

³⁴ Пауль Г. Принципы истории языка. –М.:Изд-во иностранной лит-ры, 1960. – С. 303.

узатилган ахборотда мужассам фикрни англашга қийинчилик туғдириши ҳам мумкин.

Бизнингча, А.Нурмонов, А.М.Щербакларнинг ишларида тежамкорлик тамойилининг ўзбек ва бошқа туркий тиллар фонетик тизимида кечадиган жараёнларга таъсири хусусида қимматли маълумотлар берилиб, бўғинларнинг қисқариши ҳамда унли ва ундошларнинг тушиб қолишининг тил ички ва ташқи омилларининг табиати асослаб берилган.³⁵

Тежамкорликни мазмун ифодасидаги аниқлик билан боғлаган А.Мартине бошқа бир ишида сарф қилинаётган меҳнат энергияси узатилаётган ахборот миқдори ва сифатига муқобил келиши зарурлигини айтиб ўтади.³⁶ Бундан олим ҳар қандай мулоқот шароитида ифода шакли ва мазмуни ўртасида тенглик мавжуд бўлиши керак, деган хулосага келади.

Тежамкорлик билан баравар фаолиятда бўлган тилдаги ортиқчалик (редундантлик) ҳодисаси тил тизими учун қонуний ва табиий равишда ҳосил бўладиган воқелик сифатида талқин қилинади. Тил тизимидаги ортиқчалик фақат табиатан мавжуд бўлмасдан, балки талаб қилинганда сўзловчининг ўзи томонидан ҳам ҳосил қилиниши мумкин. Бу, айниқса, узатилаётган ахборотни алоҳида таъкидлаш эҳтиёжи туғилганида ёки коммуникантларда шуни истаганларида яққол кўзга ташланади.

Ахборотнинг ортиқчилиги, бундан ташқари, баъзан маънони маълум қилишдаги тўсиқни бартараф этишга ҳам хизмат қилади. Бироқ ортиқчаликдан фойдаланиш меъёрига амал қилиш талаб қилинади, акс ҳолда ушбу тўсиқнинг кўлами ҳаддан зиёд кенгайиб кетиши кузатилади. Демак, ортиқчаликдан воз кечиши амали маълум қонуниятларга бўйсунди.³⁷

Ортиқчаликнинг юзага келиши тўғридан – тўғри тежамкорлик тамойилининг фаоллашувига олиб келади. Шу жиҳатдан озарбайжон олими М.И.Юсифовнинг “тежамкорлик ортиқча унсурларнинг пайдо бўлиши ва бартараф этилиши билан боғлиқ” деган қайдини ўринли эканлигини айтмоқчимиз.³⁸ Тежамлилик ва ортиқчаликнинг ўзаро муносабати бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам эътироф этилган.³⁹

Лисоний ҳодисаларнинг сатҳлар бўйича тизимлаштириш йўналишида бажарилган тадқиқотлар натижаси ушбу ҳодисаларнинг кўпкўламлилигини ёритишнинг муҳим усули уларнинг бажарадиган вазифаларини тавсифлашдан иборат эканлигидан хабар беради.⁴⁰ Зотан тил бирликлари асосан иккиёқлама ҳодиса бўлиб, улар маълум бир шаклга (ташқи қиёфага) эга бўлиш билан биргаликда, у ёки бу маънони ифодалаш вазифасини ҳам

³⁵ Нурмонов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка. Дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1973. – 182с.; Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. –Л.: Наука, 1974. – 204 с.

³⁶ Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике. Вып.3. –М.: Прогресс, 1963. –С. 536.

³⁷ Соколовский Ю.А. Избыточность и отсечение информации как средство нивелирования семантических помех // Слово в языке и речи. –Нальчик, 1982. –С.87-94.

³⁸ Юсифов М.И. Экономия в системе языка (на материале азербайджанского языка). Автореф. дисс.... канд. филол. наук. –Баку, 1978. -24с.

³⁹ Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. –Т.:Фан, 1988. -93б.

⁴⁰ Бозоров О. Тилшуносликнинг фалсафий методологияси. –Т.:Фан, 2021. -172б; Искандарова Ш. Тил системасига майдон сифатида ёндашув. –Т.: Фан, 2007. -151б; Расулов Р. Умумий тилшунослик. –Т.:Фан ва технология, 2007. -254 б.

бажаради. Тилнинг нутқий воқеланиши унинг унсурларидан маълум бир ахборотни шакллантирувчи тузилмаларни ҳосил бўлишидан иборатдир.

Тил тизими турли характердаги бирликларни қамраб олувчи сатҳлардан иборат эканлиги барча тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Ушбу сатҳларда тил қурилишининг тузилиши акс топади ва уларнинг ажратилиши баъзан у ёки бу тилшуноснинг танлаган ёндашуви билан боғлиқ бўлиб қолади. Жумладан, Н.Чомский тил сатҳлари муносабатини юқоридан, яъни синтаксисдан қуйига қараб тушиш амалида таҳлил қилишни маъқулласа⁴¹, Э.Бенвенист ва унинг тарафдорлари эса тескари йўналишни танлаб, таҳлилни кичик бирликлардан бошлаб юқори босқич бирлиги - гапга қараб боришни тавсия қилади.⁴² Тил тизими сатҳларини фарқлаш муаммосини батафсил ёритган А.М.Мухин ягона бир сатҳ кўламида конструктив бирликларни ажратиш лозимлигини уқтиради.⁴³ Олим ўзининг охириги ишларидан бирида кўрсатиб ўтганидек, турли сатҳларга тегишли бирликларни ажратиш ва уларнинг моҳиятини белгилашда ҳар бир сатҳ элементар бирликларининг функционал таҳлили муҳим манба эканлигини таъкидлайди. Бунда қуйи сатҳларнинг функционал синтаксис учун асос хизматини ўташи ойдинлашади.⁴⁴

Тежамкорлик тамойилининг фонетик сатҳда амал қилиниши масаласи қатор тилшунослар томонидан ўрганилган. Е.Д.Поливановнинг бу борадаги қарашлари мулоқотнинг меҳнат фаолияти сифатида талқин қилинишига асосланади.⁴⁵ Талаффуз ва эшитиш ҳаракатларидан иборат нутқ жараёнида талаффузнинг лисоний зоҳирланаётган рамзий белгиларни эшитиш ва англаш имконияти пайдо бўлади ва “бунда кам миқдордаги ишчи кучи сарфланишига ҳаракат қилинади”.⁴⁶ Бу тарздаги тежамкорлик ҳар қандай нутқий фаолиятнинг муҳим хусусияти бўлса-да, лекин ҳар бир нутқий акт учун мажбурий эмас.

Фонетик бирликлардан фойдаланиш нутқий фаолият кечишини таъминловчи материалдир. Сўзловчи ушбу материалнинг сарфини камайтиришга ҳаракат қилиши табиий ҳолат. Тежамкорлик тизимдаги ўзгаришларга олиб келади. Бундай ўзгаришлардан бири сифатида одатда редукция ҳодисаси эслатилади. “Ўзбек тили фонетикаси” асарининг муаллифи М.Миртожиев кузатганидек, ўзбек тилида лексик урғу сўзнинг охириги бўғинига тушади ва кўпбўғинли сўзларда иккинчи бўғин кўпинча урғусиз қолади. Бунинг натижасида урғусиз ҳолатдаги унли товуш редукцияга учрайди, яъни қисқариб, аста-секин йўқола бошлайди. Масалан:

⁴¹ Chomsky N. Language and Mind. –Cambridge: Cambridge University Press, 2006. – 190 p.

⁴² Бенвенист Э. Уровни лингвистического анализа // Новое в лингвистике. Вып.4. –М.:Прогресс, 1965. – С.434.

⁴³ Мухин А.М. Лингвистический анализ. Теоретические и методологические проблемы. –Л.:Наука, 1976. – С.30.

⁴⁴ Мухин А.М. Функциональный синтаксис Функциональная лексикология. Функциональная морфология. – СПб.: Нестор-История, 2007. – С.106-107.

⁴⁵ Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. – С.100.

⁴⁶ Ўша асар. –Б. 119.

кўнги+и > кўнгли; синги+им > синглим қаторларида редукцияга учраган тор “и” унлиси тушиб қолган.⁴⁷

Тилнинг лексик сатҳида тежамкорлик тамойилининг фаоллашуви масаласи тилшунослар диққатини узоқ пайтдан буён жалб қилиб келмоқда. Ушбу масалада Г.Пауль, К.Бругман, О.Есперсен, И.А.Бодуэн де Куртенэ, В.А.Богородицкий каби кўплаб олимлар тўхтаб ўтганлар. Зотан, лексик тежамкорлик тиллар тизимида қадимдан мавжуд бўлган ходисалар қаторига киради. К.Бругман кўрсатиб ўтганидек, қўшма сўзларнинг қисқариши қадимги ҳинд, яъни санскритдаёқ учрайди: *pasu – karam > pasu* ёки *pasv – ijuu*. Шунингдек, аниқловчи + аниқланмиш сўз бирикмасининг қисқариши мумтоз лотин тилида кенг тарқалган эди. Атоқли отларнинг қисқариши (нем. *Fridrike* ўрнига *Rike* ёки *Frida*; инг. *Rebecca* ўрнига *Becky* ёхуд *Elizabeth* ўрнига *Lis* қўлланиши каби ҳолатлар) ҳинд-европа тиллари ибтидоий даврининг қолдиғидир.⁴⁸

Тежамкорлик тамойилининг морфологик тизимдаги таъсирини О.Есперсен умумий кўринишда тасвирлайди. Жумладан, олим тилларнинг род кўрсаткичларидаги фарқларни йўқотиш анъанаси ривожланганлиги ҳамда қўшимчаларнинг йўқолиши сабабли келишик категориясининг соддалашувини эслатади. Шунингдек, у инглиз тилида жуфт сон ва орттирма даража шакллариининг тушиб қолишини олдин мавжуд бўлган ортиқчаликдан қутулиш ҳамда шу йўсинда тил тараққиётига эришиш намунаси сифатида изоҳлайди.⁴⁹

“Рус ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси” дарслигининг муаллифи ҳам ушбу муаммога алоҳида тўхталади. Е.Д.Поливановнинг қайдича, рус тилини ўрганаётган ўзбек ўқувчисида морфология сатҳида бундай “ортиқча юк”нинг киритилишига ҳожат бормикан, деган саволнинг туғилиши табиийдир.⁵⁰

Ўзбек тили грамматик тизимидаги тежамкорлик ҳамда ортиқчалик тамойилларининг ушбу ҳолати тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Эгалик мазмунини ифодалашда сўз шакли ва сўз бирикмасининг ҳамкорлик қилиши ва уларнинг муносабатини ўрганган Ғ.Зикриллаевнинг кузатишича, гапларда отнинг луғавий мазмунига кўра қаралмиш турли даражада конкретлашади.⁵¹ “*Боланг туфайли ҳар қанча оғирчилик бўлса устингга ол. Бу қарз болангдан қайтади*” (А.Қаҳҳор. Кўшчинор чироқлари).

Инглиз тилшуноси Р.Ҳадлестоннинг фикрича, тежамкорлик тамойилининг синтаксис сатҳида амал қилиши билан боғлиқ масалаларнинг тадқиқида “тежамкор” ва “ортиқчалик”ка эга гап тузилмаларини фарқлаш муҳимдир. Ушбу фарқ ахборотнинг аниқ ва бир маромда ифодаланишида намоён бўлади: ифода шакли тежамли бўлганида ахборот унчалик аниқ бўлмаса-да, лекин бир меъёрда узатилади.⁵² Бу хилдаги тежамкорлик

⁴⁷ Миртожиев И. Ўзбек тили фонетикаси. –Т.:Фан, 2013. –423б.

⁴⁸ Brugmann K. Kurze vergleichende Grammatik der indogermanischen Sprachen. –Strassburg, 1904. –S.292.

⁴⁹ Jespersen O. Essentials of English Grammar. — London: Longman, 1999. — 460 p.

⁵⁰ Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. –Т.: Госиздат, 1934. –С.61.

⁵¹ Зикриллаев Ғ. Рух ва тил. –Т.:Фан, 2018. – Б.303.

⁵² Huddleston R. Introduction to the Grammar of English. –Cambridge: Cambridge University Press, 1995. – P.102.

синтактик тузилишда қисқариш, тушиб қолиш ҳолатлари юзага келишига сабаб бўлади.

Эллипсис синтаксис сатҳида турли сабабларга кўра юзага келадиган ҳамда энг кўп учрайдиган ҳодиса бўлганлиги учун алоҳида аҳамиятга лойиқ. Ишимизнинг навбатдаги қисмларида синтактик эллипсиснинг табиати, унинг келиб чиқиш сабаблари ва дискурсив мақомини аниқлашга доир масалаларга алоҳида тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Диссертациянинг учинчи боби «**Лисоний тежамкорликнинг нутқий-дискурсив воқеланиши**» деб номланган бўлиб, учта параграфдан ташкил топган. Мазкур боб мулоқот жараёнида тил бирликларининг тизимли муносабати асосида ҳосил бўлувчи диалогик нутқ таркибида ахборот бўлакларининг фаоллашуви таҳлилига бағишланган. Тил сатҳларининг тизимли муносабатлари ва лисоний тежамкорликнинг воқеланишига бағишланган биринчи параграфда тилнинг функционал жиҳатлари ва тил эгаларининг ушбу тилга хос меъёрий қоидалардан фойдаланиш имкониятлари хусусида сўз боради. Шу жиҳатдан, тил ва нутқ қарама-қарши қўйилмасдан, балки функционал жиҳатдан чегараланади. Шунинг учун ҳам ўзбек субстанционал тилшунослиги йўналиши вакиллари тил ҳодисасини лисон, меъёр ва нутқ муносабати доирасида тасаввур қилишни таклиф қиладилар. Уларнинг таъбирича, тил – соф лисоний қобилият ва имконият. У тафаккурни шакллантириш, ахборотни узатиш ва қабул қилувчи, имконият берувчи коммуникация воситасидир. Лисон эса лисоний бирликларнинг серқирра, кўпқаватли сатҳларидан ташкил топган барқарор, маълум вазиятларда ўзгарувчан мураккаб қурилишли иерархик тизимдир. Меъёр, ўз навбатида, лисоний имкониятларнинг воқеланиш ўрни ва хусусиятини белгилайди. Ниҳоят, нутқ – лисоний меъёр элагидан ўтган муайян моддий (ёзма, оғзаки, тасвирий имо-ишора ва ҳ.к.) шакллардан бирида воқеланади⁵³.

Тежамкорлик тамойилининг тизимли-функционал таҳлили ҳақида сўз борар экан, энг аввало, ушбу ёндашувда лисоний бирликлар маълум бир тасниф доирасида тартибли равишда тавсифланиб, уларнинг янгидан пайдо бўладиган хусусиятлари ушбу бирликларнинг ўзаро муносабати натижаси сифатида қаралади. Алоҳида бирликлар, қисмлар ўртасидаги тизимли-функционал алоқаларнинг аниқланиши тилнинг моҳияти ва табиатини англашга имкон яратади. Тилнинг турли жиҳатларини бу йўналишдаги тавсифи моҳиятан унинг ҳар томонлама тадқиқига асос бўлади, чунки “тилнинг ҳеч бир унсурини унинг шу тизимдаги бошқа унсурлари билан муносабатини эътиборга олмасдан туриб талаб даражасида баҳолаб бўлмайди”.⁵⁴

Инглиз диалогик нутқининг структур-семантик хусусиятларини ўрганишга кўп куч сарфлаган бир қатор тадқиқотчилар диалог таркибида фаоллашадиган нутқий тузилмаларнинг функционал-семантик турларини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Бунда олимлар турли коммуникатив турларга

⁵³ Сайфуллаева Р.Р. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.:Фан ва технология, 2010. – Б. 29-31.

⁵⁴ Vallins C. Good English. –L.: Pan Books, 1976. – P.54.

қарашли гапларнинг бирикишини таҳлил қилиш билан чегараланиб қолмасдан, балки жавоб репликаларининг хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратадилар. ⁵⁵ Масалан, Л.М.Михайлов немис тили сўзлашув нутқида гап турларининг вазифавий-коммуникатив муносабати ҳақида фикр билдираётиб, диалог икки ёки ундан ортиқ қисм (реплика)дан иборат бўлган ҳолатларида маълум фарқлар кузатилишини қайди этади. ⁵⁶ Бундан ташқари, репликаларнинг ўзаро боғланиши ҳам турли кўринишда намоён бўлади. Булардан энг кўп тарқаргани савол-жавоб диалогик яхлитлигидир. Ушбу яхлитликда нутқий тузилмаларнинг алоқаси саволнинг структур белгилари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Сўроқ олмоши воситасида тузиладиган савол фаоллашганида жавоб репликасининг структур асосини худди шу олмошнинг синтактик вазифасини бажара оладиган гап бўлаги эгаллайди. Масалан:

“*When did you get it?*”

“*Yesterday morning.*”

“*Қачон уни кузатдинг?*”

“*Кеча кечқурун.*”

Жавоб репликаси ўрнида сўралаётган нарсани тасдиқловчи ёки инкор қилувчи *yes, no / ҳа, йўқ* каби унсурлар қўлланганида ушбу жавобда тасдиқ ёки инкор маънолари сийқаллашиб, улар ўрнида қўшимча ахборот ифодаланади:

Pamela: Has Clive turned up yet?

Louise: No, not yet. (P.Shaffer. Five Finger Exercises).

... –*Сиз биттагина ўғилсиз-ку?*

–*Ҳа, биттаман.* (Т.Малик. Талваса.)

Айтиш жоизки, жавоб репликаларнинг ажратилган турларининг синтактик мақоми бир хил эмас. Жумладан, И.Е.Алексеевнинг кузатишича, диалогнинг савол қисми билан мустаҳкам боғланишда бўлган жавоб репликаларининг структураси аниқ кўринишга эга эмас. Чунки улар шахс, замон, макон кўрсаткичларига эга бўлмаган эллиптик ва тўлиқсиз тузилмалар воситасида ифодаланадилар. ⁵⁷

Шунингдек, биз матн таркибида мураккаб маъно бирлиги вазифасини ўтайдиган нутқий тузилмаларнинг ахборот ифодаси имкониятларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Бунда асосий эътибор лисоний тежамкорлик тамойилининг ахборот қўламини белгилашдаги иштирокини аниқлашга қаратилди.

⁵⁵ Dijk van T.A. Dialogue and Cognition // Cognitive constraints on communication. –Dordrecht: Reidel Publishing Company, 1984; Sonnio L.A. A Handbook to sixteenth century rhetoric. –London, 1968; Бузаров В.В. Круговорот диалогической речи или взаимодействие грамматики говорящего и грамматики слушающего. –Ставрополь: Изд-во Ставропольского у-та., 2001. – 150 с.; Чахоян Л.П. Синтаксис диалогической речи современного английского языка. –М.:Высшая школа, 1979. – 168 с.

⁵⁶ Михайлов Л.М. Коммуникативная грамматика немецкого языка. –М.:Высшая школа, 1994. – 256с.

⁵⁷ Алексеев И.Е. Ответный компонент диалога в якутском языке. –Новосибирск: Наука, 1990. –С.41.

Маълумки, бадий асарлар персонажлари ўртасида кечадиган диалогни оғзаки нутқнинг алоҳида кўриниши сифатида ўрганиш одат тусига кирган.⁵⁸ Чунки оғзаки нутқ матнининг ёзма шаклга келтирилишида унинг асосий лисоний ва услубий хусусиятлари сақланади. Лекин бадий матнда оғзаки мулоқотга хос баъзи элементлар тушириб қолдирилиши ҳам кузатилади. Диалог доимий равишда маълум бир воқелик, вазият билан боғлиқлиги туфайли шаклан тежаб қолинган элементлар худди шу вазият таҳлили орқали мантиқан тикланади. Етишмаётган компонентларни тўлиқ тикланишига эришиш учун баъзан бадий асарнинг тўлиқ матнига мурожаат қилишга тўғри келади.

Биринчи навбатда таҳлил қилинаётган нутқий тузилмаларда ахборот компонентларининг ошкора ифодаланиш ҳолатларини кўриб чиқиш керак. Олиб борилган кузатувлар тузилмаларнинг синтактик таркибида ахборот ташувчи маъно бирликлари бир хилда мавжуд эмаслигидан гувоҳлик беради. Эксплицит ифода топган ахборий компонентлар сони ҳар хил: баъзан у битта бўлиши ҳам мумкин.

Тўпланган материал тавсифини осонлаштириш учун қуйидаги ишоралардан фойдаланамиз: **Е** – мавжудлик ҳақидаги ахборот; **М** – модал бўлак; **Т** – закон кўрсаткичи; **С** – макон кўрсаткичи; **В** – хусусият; **А** – ушбу белгиларга эга предмет. Эслатиш жоизки, нутқий тузилманинг модал компоненти объектив ва субъектив модаллик мазмуни нуктаи назаридан тавсифланади. И.Р.Гальпериннинг фикрича, “субъектив модалликнинг умумий модаллик категорияси таркибига киритилиши гап грамматик таҳлили миқёсини кенгайтиришнинг муҳим босқичидир ва шу йўсинда гапдан матн таҳлиliga томон кўприк ташланади”⁵⁹. Ўзбек олимаси С.Боймирзаева матн модаллигининг ифода имкониятлари ҳақида фикр юритаётиб, модалликнинг ҳар қандай тури, шу жумладан, субъектив модаллик ҳам олам ҳақидаги билимнинг нисбийлиги билан боғлиқлигини қайд этади. “Оламдаги воқеа ҳодисаларни қиёслаб ўрганиш жараёнида тахминли, эҳтимолли хулосаларга келамиз. Шунга биноан гносеологик фаолият натижаси бўлган субъектив модаллик майдонининг марказида эҳтимол, тахмин маъноси туради”⁶⁰.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, объектив модалликни нутқий тузилмаларнинг ахборот кўламини ўрганиш учун аввало объектив модаллик ифодаланишини инобатга олишни лозим топдик. Субъектив модаллик эса қўшимча ахборот ифодаланишидан дарак беради.

⁵⁸ Sacks H. Lectures on Conversation. –Cambridge, Mass.: MIT, 1995; Jacobson R. Closing Statement: Linguistics and Poetics // Style in Language. –Cambridge, Mass.: MIT Press, 1960. –P. 350-377; Ashurova D.U., Galieva M.R. Text Linguistics. –Т.:Турон – Istiqbol, 2016. –324 p.; Колокольцева Т.Н. Специфические коммуникативные единицы диалогической речи. –Волгоград: Изд-во Волгоградского гос. унив-та, 2001. –260с.; Шпильная Н.Н. Дериационные основания русского диалогического текста. –Барнаул: АлтГПУ, 2015. –239с.; Гастева Н.Н. Диалогическое единство в разговорной речи. Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. –Саратов, 1990. –20с.

⁵⁹ Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. –М.:КомКнига, 2006. –С.115.

⁶⁰ Боймирзаева С.У. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол.фан.докт. ... дисс. –Т.,2010. –Б.84.

Д.Селенжернинг “A Perfect Day for Banana Fish” ҳикоясидан олинган куйидаги мисолни таҳлил қилиб кўрамиз:

...but the brother said: “I’d better test your eyes again while you’re here, just to make seem” (D.Salinger. A Perfect Day for Banana Fish).

Ушбу парчада *you’re here* қисми алоҳида ахборий мазмунга эга тузилма сифатида ажратилмоқда. Чунки унинг таркибида анафорик алмашинув (*I* ўрнига *you*) юзага келиб, сўз бошқа шахс ҳақида кетмоқда. Шунингдек, модалликнинг морфологик шакли ҳам ўзгармоқда: онтатив ўрнига дарак майли фаоллашмоқда.

Мазкур нутқий тузилмада барча ахборий компонентлар ошкора ифодаланган: иш-ҳаракатни бажарувчи субъект (**A**) – *you* (*Joan* исми ўрнида қўлланган); мавжудлик семаси (**E**) *to be* феъли воситасида ифодаланган; модаллик (**M**) – феъл шакли воситасида воқеланган; замон маъноси (**T**) – Present Indefinite шаклини олган; макон кўрсаткичи (**S**) – *here* равиши зиммасига тушган.

“Лисоний тежамкорлик тамойилининг синтаксис сатҳида фаоллашуви” деб номланган тўртинчи боб уч параграфдан ташкил топган бўлиб, унда нутқ бирликларида ахборот-дискурсив мазмуннинг турли синтактик бирликларда воқеланиш хусусиятлари таҳлил қилинади.

Диалогик нутқнинг асосий хусусиятлардан бири унинг ахборот тақсимоти тамойилига амал қилишида намоён бўлади. Ушбу тамойилга кўра, дискурсда ифода топаётган ахборотнинг муҳим қисми эллиптик тузилма воситасида воқеланади. Бошқача айтганда, эллипсис янги ва қўшимча ахборотни ифодалаш воситасидир. Мулоқот жараёнида ахборот узатишда хатоликка йўл қўйиш ҳолатлари кам учрайди ва бунга лисоний ҳамда нолисоний воситалардан уйғунликда, унумли фойдаланиш асосида эришилади. Худди шунингдек, эллиптик тузилма фаоллашувида ахборотнинг зиёдалик қилиши ҳам қарийб учрамайди.

Эллиптик тузилмалар диалогик нутқнинг бошқа қисмлари билан мустаҳкам алоқага киришаётиб, баён қилинаётган ҳодисага қўшимча тавсиф бериш учун зарур бўлган янги ахборотни ифодалайди. Масалан, ушбу ахборот куйидаги кўринишларда намоён бўлиши кузатилади:

- 1) диалогнинг бошқа бир қисмида эслатилган шахс ёки нарса ҳақидаги ахборот:

-Did you read the articles that were written about him at his death?

-Some of them (S. Maugham. Cakes and Ale);

-Дўстларинг бўлганми?

-Албатта бўлган. (Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар)

- 2) эллиптик тузилма муносабатда бўлган гапда ифодаланаётган ҳаракатга тавсиф:

-I wonder if I should wear a button hole?

-You wouldn’t, Father (S. Maugham. Cakes and Ale);

-Қачон кетди у жувонимарг бўлгур?

-Кечамиди... ўтган кун. Шошиб турган экан. (Т.Малик. Алвидо болалик.)

3) олдинги репликада эслатилган предмет ёки шахснинг ҳолатига ишора:

-*Are you well? Have you been all right?*

-*Strong as bull.* (C. Gordon. Let the Day Perish);

— *Қандай тўндан олай?*

— *Бўздан ол, бўздан.* (А.Қодирий. Мехробдан чаён.)

4) ҳаракат кечиши ва уни бажариш усули:

-*You'll come back and I'll be here waiting.*

-*Not with any joy* (M. Wilson. The Lovers);

-*Ўқушингиз яхшими?*

- *Бирмунча.* (А.Қодирий. Мехробдан чаён.)

Хуллас, эллиптик тузилмаларнинг мулоқот матнида фаоллашуви лисоний унсурларни тежаш орқали ахборотни адресатга етказишни таъминлайди. Турли шаклдаги эллиптик гапларнинг қўлланиши, ўз навбатида, грамматик ва лексик такрордан сақланишга ва нутқнинг меъёрда, бир текис кечишига имкон яратади. Мазкур ҳолат эллиптик тузилмалар танловида етакчилик қилади.

Таҳлилга тортилган эллиптик тузилмалар қуйидаги лисоний синтактик қолип (модел)ларга эга:

а) N (Pron) + Adj

Randell: Jealously! I jealously (B. Shaw. Four Plays).

-*Қизиқ? Мен қизиқ?* (Т.Малик. Алвидо болалик)

Раъно қўли билан Анварнинг ўзига ишорат қилди:

— *Ана меҳмон, — деди.*

Анвар кулди:

— *Мен меҳмон?* (А.Қодирий. Мехробдан чаён)

в) Adj + N (Pron)

Really marvelous, the stillness, Tony! (Galsworthy. Silver Spoon)

— *Яхши бўлади. Костяни чақиринг, Эйфел масаласини ҳал қилсин.*

— *Бироз ортиқча чиқим, Манзурахон ... — Саиднинг гапи оғзида қолди.* (У.Ҳамдам. Мувозанат)

г) N + N (Pron)

"Think of the police!" said the voice "having to be out in this all night!"

"Splendid force, the police!" replied Michael (Galsworthy. Silver Spoon).

— *Мени ташқаридан ким олиб келди? — деб сўради.*

— *Қизим, мен!* (У.Ҳамдам. Мувозанат)

д) интенсификаторлар иштирокида ҳосил бўлувчи тузилмалар:

I suppose it's all on account of me and my bathing dress.

So silly, the whole thing! (A. Christie. Nemesis)

- *Кўриб турибсизки, барча гумонларингиз ҳақ!.. Аммо сизга яна бир бор ташаккур дегим келади: шу ҳолда ҳам вазминлик қилиясиз!*

Бунчалар оқил, шунчалар доно! Айни улуг саркардаларга хос вазминлик бу! (Ш.Холмирзаев. Қил кўприк)

Санаб ўтилган кўринишдаги эллиптик тузилмалар фақат ахборотни узатиш билан чекланиб қолмасдан, балки сўзловчининг фикр юритилаётган объектга нисбатан баҳоли, эмоционал муносабати зоҳирланишига имкон яратади. Таъкидланаётган эмоционал маънони ифодалаш учун структур (сўзларнинг жойлашув тартиби), ва луғавий, оҳанг воситаларидан фойдаланилади.

Эллипсис ходисасининг фарқли белгилари таҳлил қилинар экан, синтактик бирликларга нисбатан лисоний тежамкорлик тамойилининг фаоллашуви турли кўринишларда намоён бўлиши ва бунинг натижасида нутқий мулоқот матнида турли таркибий ўзгаришлар юзага келиб, ахборотни ифодалаш шакли ихчамланишини қайд этиш лозим. Бу хилдаги лисоний тежамкорлик вазифаси бажарилишида айниқса эллипсиснинг роли алоҳидадир.

Эллипсис ходисасини аниқлашда контекст ва нутқ вазиятининг роли қатор тилшунослар томонидан таъкидланган. Хусусан, шведариялик олим Ш.Балли эллипсисни анафорик унсурларнинг “назарда тутилиши” сифатида ажратади. Чунки анафорик унсурлар контекстни воқелантирса, дейктик бирликлар эса вазиятга ишора қилади.⁶¹

В.Г.Адмони ҳам эллипсиснинг ҳосил бўлиши ва тўғри англанилишида контекст ҳамда вазият асосий таянч нуқта эканлигини қайд этади. Унинг наздида, баъзи ҳолатларда контекст ва вазият айрим қисмларнинг шаклан ифода топмаслиги орқали гапнинг “юқини енгиллаштиради. Зотан, ушбу бўлакка нисбатан олинаётган мўлжал гап таркибида сақланаётган шаклларида мавжуд бўлади. Мўлжалдаги шакл эса вазият ёки контекстга боғлиқ ҳолда мазмун олади”.⁶²

Шунга ўхшаш фикр ўзбек тилшуносларининг ишларида ҳам учрайди.⁶³ Эллипсиснинг ўзбек тили синтактик сатҳида намоён бўлиш ҳолатларини махсус ўрганган Н.Маҳмудов ушбу ходисанинг учта тури мавжудлигини қайд этади: 1) *диалогларда содир бўладиган эллипсис*; 2) *анафорик эллипсис*; 3) *тўлиқсиз гапларни шакллантирувчи эллипсис*.⁶⁴ Ушбу тадқиқотда, шунингдек, эллипсис контекст ва вазият билан боғлиқ бўлганида тўлиқсиз гапларни шакллантириб маъно жиҳатидан тежамкорлик юзага келмаслигини таъкидлайди.

Лисоний бирликлардан тежамли фойдаланиш мустақил номинатив бирликлар қаторига кирадиган сўз бирикмаларига ҳам хосдир. Мулоқотнинг маълум шароитларида, айниқса сўз бирикмасининг аниқловчи қисми тушиб қолади:

“He removed two envelopes from an inside jacket pocket – one fat, the other smaller – and handed the first to Junita”. (Hailey A. The Moneychangers).

“Мардон ака, мени еттинчига олиб кетишди”.

⁶¹ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. –М.: URSS, 2001. –С.227.

⁶² Адмони В.Г. Основы теории грамматики. –М.:Наука, 1964. – С.26.

⁶³ Фуломов А., Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Т.: Ўқитувчи, 1987; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1995.

⁶⁴ Маҳмудов Н.Н. Эллипсис в узбекском языке. Дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1977. –С.83.

Тўсатдан унинг хаёлига яшиндай фикр урилди:

“Еттинчи тугруқхонага кетган!”

У машинани гараждан олиб чиқаркан, пичиллади:

“Еттинчи ... Еттинчи ... Қаёқда эди? Ҳа, Чилонзорда”. (Ҳошимов Ў. Севги қиссалари).

Ушбу мисолларда сўз бирикмасининг от қисми тежалаётганининг гувоҳимиз. Одатда нуткий матннинг қисқа оралиғида субстантив сўз бирикмаси тўлиқ шаклда фақат бир марта қўлланиб, кейинги ўринларда у эллипсисга учрайди.

Жамланган материал таҳлилидан маълум бўлишича, эллипсисга учраётган субстантив сўз бирикмаларининг олд ўринда кўпинча адъюнкт ёки аниқловчи бўлак туради. Бу турдаги тўлиқ сўз бирикмаларини уларнинг коммуникатив имкониятлари ҳамда адъюнкт қисмининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Биринчи гуруҳга адъюнкт қисми тўлиқ лексик маънога эга сўз воситасида ифодаланган сўз бирикмалари киради. Ушбу бирикмалар қуйидаги қолипларда шаклланади:

AN – *interesting book*; *қизиқ китоб*;

NpossN – *Peter’s book*; *Аҳмаднинг китоби*;

NN – *railway*; *темирйўл*.

Субстантив сўз бирикмасининг аниқловчи қисми вазифасини бажараётган тўлиқ маъноли луғавий бирлик асосий бўлак ўрнида келаётган отнинг алоҳида сифат ва хусусиятларини ифодалаган ҳолда унинг маъносини бойитади.

2. Бундан ташқари, субстантив сўз бирикмасида адъюнкт (аниқловчи) ўрнини турли хил детерминантлар (олмош, тартиб сон ва ҳоказо) эгаллаши кузатилади. Ушбу гуруҳга қуйидаги моделга эга бирикмалар киради:

PrN – *another day*; *бошқа кун*.

QN (Q – тартиб ва санок сонлари ҳамда “*little*”//*кам*, “*many*”//*кўп*, “*several*”// *бир нечта*, “*last*”// *охирги* каби унсурлар) – *two books*; *иккита китоб*.

Адъюнктнинг бундай шакл олишида унинг ўрнидаги сўз, асосий бўлакнинг предметлик маъносига таъсир ўтказмасдан туриб, нарса-ҳодиса сони, тартиби, маконда жойлашуви, аниқ ёки ноаниқлиги ҳақида ахборотни маълум қилади.

Таҳлил натижаларидан равшанки, эллиптик сўз бирикмалари лисоний тежамкорлик тамойилининг фаоллашувида иштирок этади. Шунингдек, уларнинг матн бўлаклари ўртасидаги алоқани таъминлаш орқали мазмун яхлитлигига ҳисса қўшишига ҳам ишониш керак.

Сўз бирикмасининг асосий бўлаги баъзан атроф-қуршовдаги сўзлар маъноси орқали имплицит тарзда ифодаланади:

“*There is a new Dorris Day and Rock Hudson downtown*”.

“*I love Dorris Day. Hollywood should let her sing more*” (Updike J. Marry me.)

Мазкур вазиятда машхур америкалик актёрлар иштирок этаётган фильм тўғрисида гапирилаётгани сезилади ва бунга диалогнинг иккинчи репликасида ишора қилинмоқда.

Сўз бирикмаси асосий қисмининг худди шу тарзда имплицит ифодаланиши қуйидаги ўзбек тилидаги диалог парчасида ҳам кузатилади:

- *“Ўзбегим”ни олинг, ҳофиз, - деб буюрди.*

Дадаси Навоийдан айтаётган қўшиқни шарт узиб, “Ўзбегим”ни бошлаб юборди. (Т.Малик. Алвидо болалик).

Келтирилган мисолда таниқли ҳофиз Шерали Жўраевнинг Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов қаламига мансуб машхур “Ўзбегим” номли кўшиғи ҳақида сўз бораётгани репликанинг давомида кузатилмоқда.

Мулоқот жараёнида эллиптик сўз бирикмалари ахборотнинг тез узатилишига, лисоний бирликлар сарфини камайтиришга ҳамда гаплар ва уларнинг қисмлари ўртасидаги алоқани таъминлашга хизмат қилади. Бундай тежамкорликка фақат контекст доирасида эришиш мумкин ва унинг самараси кўпинча воқелик ҳақидаги билим даражасига боғлиқдир.

ХУЛОСА

1. Анъанавий равишда тилшунослик фанида муҳокама қилиб келинаётган муаммолар, шу жумладан лисоний тежамкорлик ҳодисаси билан боғлиқ муаммолар ҳам, ҳозирги пайтда гуманитар фанлар соҳасида оммавийлашган антропоцентрик ёндашув доирасида тадқиқ методологияси ва усуллари татбиқида ўз ечимини топмоқда. Лисоний ҳодисалар таҳлилига шу турдаги янги ёндашув асосида ахборот ва дискурс тушунчалари туради.

2. Когнитив тилшунослик, психоллингвистика, семиотика ва семантика каби соҳаларда эришилган натижалар ҳамда машхур тилшунослар томонидан илгари сурилган назарий хулосаларни ўрганиш ахборот-дискурсив ёндашувнинг етакчи ғояси, концептуал майдони ва тадқиқ усулларини шакллантириш имконини беради.

3. Тил бирликларининг мулоқот муҳитида қўлланиши нутқий тузилмалар ички тузилишини ташкиллаштириш шартлари билан боғлиқ бўлиш билан бир қаторда, дискурда ифодаланаётган ахборот структураси талабларига ҳам мос келиши шарт. Айнан шу структура нутқий вариантлашувни умумий мазмунга мослаштирган ҳолда бошқариб боради. Демак, нутқий фаоллашув қонуниятларини, шу жумладан, лисоний тежамкорлик тамойилини ҳам ахборот – маъно – дискурс учлиги кўламида кечадиган жараёнлар қамровида тавсифлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда синтактик тузилма онгли ҳаракатларни акс эттирувчи тил бирлиги сифатида мулоқотдошлар ўзаро муносабати учун мўлжал вазифасини бажариши эътибордан қочирмаслик лозим.

4. Ахборот бирлиги билимнинг энг кичик бирлигидир ва у моҳиятан ментал ҳодиса бўлган пропозицияга мос келиши мумкин. Шундай экан, ҳар қандай коммуникатив бирлик пропозицияни ифодалаши керак. Айни пайтда, пропозиция, ментал ҳодиса сифатида, мулоқот пайтида билимни

воқелантириши учун ушбу билим лисоний кўриниш олиши талаб қилинади. Қайси турдаги лисоний бирликнинг ёки шаклнинг танланиши эса ахборотнинг қайси жиҳати ёки қисми сўзловчи томонидан муҳим деб ҳисобланиши билан боғлиқ. Коммуникатив қиймати юқори бўлган ахборотни ифодаловчи лисоний тузилмалар негизида матн прагматик вазифаси шаклланади. Шунинг билан биргаликда, лисоний бирликлар маъноси фақат олам идрокининг акси бўлмасдан, балки инсон тажрибасини умумлаштириш маҳсули эканлигини инобатга оладиган бўлсак, лисоний шакл ва иборалар олам лисоний манзараси шаклланишига ўз улушини қўшади. Бунинг баробарида, сўзловчи грамматик ва лексик унсурлар танловидан ташқари, нутқий тузилманинг пропозиция мундарижасига ҳам таянади.

5. Талаффузда тежамкорликка амал қилиш беихтиёр кечадиган ҳодиса эканлигига ҳеч қандай гумон йўқ, албатта. Лекин инсон нутқ маданияти меъёрларига амал қилишида унинг “homologous”га хос хусусиятлари намоён бўлади, яъни у узатилаётган ахборотнинг мазмуни ва ушбу ахборотнинг тингловчига етказиш шаклига тамоман бефарқ бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда, сўзловчига ахборотни қисқа ёки батафсил баён қилиш имкони берилса, у кўпинча қисқа баённи танлаши муқаррар. Бироқ, нимани, қандай ва қачон тежашнинг йўлини билиш зарур. Зеро, ноўрин тежамкорлик узатилган ахборотда мужассам фикрни англашга қийинчилик туғдириши ҳам мумкин.

6. Тилда мувозанатнинг сақланиши синергетик қонуниятларга бўйсунди, у доимий равишда ўзгариб туриши, янгиликлар билан бойиб бориши билан бир қаторда, фойдасиз бўлиб қолган ортиқча ҳолатлардан қутулиб боради. Бунда иккита ҳаракат механизмлари ўзаро қарама-қарши келади: тежамкорлик ортиқчаликдан қочишга ундаса, ифода эҳтиёжининг кенгайиши эса кўпмаънолилиқнинг меъёрини оширади.

7. Ахборотни лисоний воқелантириш ва узатиш учун зарур бўлган формал воситалар кўламининг торайиши, сўзсиз, тизимда сақланиб қолганларидан имкони борича унумли фойдаланиш эҳтиёжини туғдиради. Натижада, ягона бир мундарижага эга фикрни шаклан қисқарган бирликлар воситасида ифодалаш усуллари ривожланади. Ҳажман ва шаклан қисқарган тузилмаларнинг пайдо бўлиши лисоний воситаларни тежаш амалиётининг намунасидир. Мазкур тежамли тузилмалар даставвал алоҳида шахслар нутқида юзага келиб, кейинчалик жамоавий мақомни олади ва меъёрга айланади.

8. Диалогик нутқда кенг тарқалган тўлиқсиз гапларнинг таркибида гап бўлақларининг мавжуд эмаслиги меъёрдан чекинишни англамайди. Мазкур тўлиқсизлик, биринчидан, контекст билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, жавоб репликасининг тўлиқсиз синтактик структурага эга бўлиши сўзлашув нутқи тамойилларига жавоб беради. Боз устига, жавоб репликаларини структур жиҳатдан тўлдириш меъёр талабларига мос келавермасдан, аксинча, ахборот ортиқчалик ҳолатини юзага келтириши мумкин.

9. Нутқий тузилмалар таркибида ахборот ифодаси шаклланишига оид муаммоларнинг ўрганилиши бир хилда назарий ва амалий аҳамиятга эга ва

шу йўсинда мулоқот жараёнларининг самарасини таъминловчи омилларни аниқлаш мумкин. Мулоқотда кўзланадиган амалий талаблардан бири ахборотнинг адресат учун муҳим бўлган кўламини камайтирмасдан туриб, уни зичлашган, сиқик кўринишда ифода қилишдир. Зотан, зичлашган ахборот осонроқ, тезроқ ва энг муҳими, мустаҳкам идрок этилади ва эслаб қолинади. Бундай ахборотни воқелантириш учун нисбатан кам лисоний материал талаб қилинади. Аммо ахборотнинг қиймати у кимга мўлжалланиши билан боғлиқ, унинг миқдори кўзланаётган мақсадга мувофиқ белгиланади. Демак, мулоқот бирлигининг қийматини ошириш учун баъзан узатилаётган ахборот максимал ёки энг юқори даражада бўлиши керак.

10.Эллиптик тузилма танловида нутқнинг стилистик бўёғи ўз ўрнига эга. Мазмуннинг эмоция билан боғлиқ қисми шаклан синтактик бирикиш ва синтактик такрор усуллари воситасида ифодаланади. *Синтактик бирикиш* усули қўлланилганида нутқий тузилма таркибига сўзловчининг олдин айтилган фикрга эмоционал муносабатини ифодаловчи бўлак киритилади. Ушбу усул кўпроқ монологик нутқда амал қилади. Синтактик тузилмалар параллелиги ҳодисасига асосланган *такрор* қўшиш ахборотнинг катта қисмини ифодаловчи бўлақлар такрорланишини тақозо этади. Эллипсис ҳодисаси фаоллашувида, албатта, ўзаро муносабатга киришаётган тузилмаларнинг миқдор жиҳатидан бир хил бўлишини талаб қилмайдиган параллелизм юзага келади.

11.Эллипсис турли тузилмаларда турлича содир бўлиши аниқ. Бироқ бу жараён қандай кечишидан қатъий назар ҳосил бўлаётган структураларнинг манбаи тўлиқ шаклдагиларининг вариантдир. Ҳосилалар турли маъно ва кўринишда эллиптик, лекин уларнинг барчаси лисоний тежамкорлик тамойили таъсирида юзага келади. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай эллиптик тузилманинг бирон бир хусусиятдан мосуво бўлганлиги қайд этилади. Бундан маълум бўладики, эллиптик тузилманинг шаклан ва мазмунан яхлитлиги семантик-структур жиҳатдан тўлиқ деб қаралаётган инвариант билан қиёслаш замирида намоён бўлади.

12.Диалогик мулоқот шароитида тўлиқ ва эллиптик нутқий тузилмалар бараварига қўлланилиб, бир хил фаоллашув имкониятига эга ва уларнинг бирортасининг ушбу имкониятини чегаралаш фақат номутаносиб ҳолатлар юзага келишига сабаб туғдиради. Диалогда фақат эллиптик тузилмалар иштирок этганида мулоқот юритаётган шахслар бир-бирини тушуниши қийинлашади. Чунки бундай ҳолатда ахборот етишмовчилигини коммуникатив мақсадга мос равишда тиклаш мушкул вазифага айланади. Билъакс, диалог фақат тўлиқ таркибли тузилмалар воситасида шаклланишида эса ахборот ортиқчалиги ҳолати юзага келади. Маълумотларнинг ҳаддан ортиқ зиёдалиги ҳам мулоқотни мураккаблаштиради, унинг иштирокчиларида зеркиш аломатлари пайдо бўлади. Мулоқотнинг бир текисда кечиши учун ахборот меъёрда ифодаланиши муҳимдир ва шу боис эллипсиснинг коммуникатив самарани таъминлашга қўшадиган ҳиссаси алоҳида эканлигини унутмаслигимиз керак.

13.Эллиптик сўз бирикмаларида атрибутив алоқа фаоллашувининг формал кўрсаткичлари инглиз ва ўзбек тилларида фарқланади – инглиз тилида артикл, олмош, предлог, послелог, сифат даражаларини белгиловчи шакллар ва луғавий бирликлар кузатилса, ўзбек тилида эгалик қўшимчалари, олмош, сифат даражаларини белгиловчи шакллар ва луғавий бирликлардир. Сўз бирикмаси эга вазифасида келганида бу вазифани феъл шакллари ҳам бажариши мумкин. Айнан шу кўрсаткичлар қўлланишида эллиптик сўз бирикмалари тўлиқ тузилманинг алоҳида қисми сифатида эътироф этилади. Баъзан ушбу кўрсаткичлар мавжуд бўлмаслиги ҳам кузатилади. Бироқ бундай ҳолатда ҳам эллиптик бирикма тўлиқ сўз бирикмасининг ўриндоши сифатида қабул қилинади.

14.Сўз бирикмасининг адъюнкт қисми тушириб қолдирилганида гапнинг структур тузилиши сақланиб қолади ва у тугал фикрни ифодалаш имкониятига эга бўлади. Тобе бўлакнинг тушириб қолдирилиши ёки алмаштирилишида сўз бирикмасининг асосий қисми ва бутун тузилманинг грамматик ва семантик мақоми ўзгармаслигини таъминлаши ҳақидаги фикр тилшунослар томонидан кўп бора қайд этилган. Асосий қисм тушириб қолдирилганида, аксинча, нутқий тузилма семантик тугаллигини йўқотади ва унинг мазмуни контекстга боғлиқ бўлиб қолади. Эллиптик сўз бирикмасининг контекстдан ташқарида мавжуд бўлиши кузатилмайди.

